

Мажбурий берил нусха

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLYI QURULTAYI PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил
13 ноябрь
ШАНБА
№ 90
(12.310)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK PALATASI VA SENATINING QUSHMA MAJLISI TUGRISIDA

АХБОРОТ

Тошкентда 12 ноябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов иштирок этди.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳамаси аъзолари, республика ташкилотлари, Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик миссиялар ва халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, шунингдек, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари мух-

бирлари ҳозир бўлди.

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмухамедова бошқарди.

Депутатлар ва сенаторлар мажлис қотибиятини сайлади ва кун тартибини тасдиқлади. Қўшма мажлисида Ўзбекистон

Республикаси Президенти Ислоом Каримов "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусида маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари давлат аҳамиятига молик муҳим вазифаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламентни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, мамлакатимиз суд-хуқуқ тизимини, сайлов қонун-

чилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббусларини илгари сурди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузаси бўйича қўшма қарор қабул қилди.

Олий Мажлисининг ҳар икки палатаси Кенгашларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ялпи мажлисида давлатимиз раҳбарининг маърузасида баён этилган асосий қоида ва хулосаларни муҳокама қилишни ташкил этиш вазифаси топширилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ўз ишини якунлади.

ЎзА.



ЗАНГИОТА ТУМАНИ

ЁШЛАР ИШИ БЎЛИШИДА

Ўртовул шаҳарчасида Баркамол авлод йилида "Аlti textile" корхонаси очилиб, маҳаллий йигит-қизлардан 100 дан ортиқ киши муҳим иш жойига

эга бўлди. «Ёшлик» маҳалласида барпо этилган "Elnur and Rustan textile" корхонасида эса 170 киши ишламоқда. **Кутбиддин РАҲИМОВ.**

ПИСКЕНТ ТУМАНИ

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Туманининг 1-умумтаълим мактабида ташкил этилган "Истиқлол гунчалари" гуруҳи "Янги авлод" республика болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичида ғолиб бўлди.

— Гуруҳимиз аъзолари ўзларининг "Хоразмча ракс"лари билан йигилганларни хайрон қолдиришди, — дейди гуруҳ раҳбари Раҳима Мирҳолиқова. — Ҳозир улар республика босқичига кўришмоқда.

ЎРТАЧИРЧИК ТУМАНИ

«ШОҲАББОС» ШОҲСУПАДА

Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 8 йиллиги муносабати билан туманда кикбоксингнинг "Семи-контакт" йўналиши бўйича мусобақа бўлиб ўтди.

Унда турли шаҳар ва туманлардан кўплаб ёшлар иштирок этди. Яқиний натижаларга кўра, Пискент туманининг "Шоҳаббос" клуби аъзолари жамоа ҳисобида 1-ўрин соҳиб бўлишди. Ғолиб ва совриндорлар совғалар билан тақдирландилар.

ЧИНОЗ ТУМАНИ

ЭНГ КАТТА БОЙЛИК – САЛОМАТЛИК

"Кўтарма" қишлоқ фуқаролар йиғинида "Соғлом она – соғлом бола" мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда туман фаоллари, маҳалла оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, шифокор ва ҳамширалар иштирок этди.

Йиғилишда болаларни юқумли касалликларга қарши эмлашга алоҳида урғу берилди. Шунингдек, туғуруқ ёшидаги аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиш, шу билан бирга туғилган гўдақларнинг саломатлигини қатъий назорат қилиш хусусида тўхталди. Сўзга чиққанлар хотин-қизлар ўртасида тиббий маданиятни оширишга оид фикр-мулоҳазалар билдирдилар. **Ирода МАҚСУД қизи.**

14 НОЯБРЬ – ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ

САМИМИЙ ЭҲТИРОМ ТИМСОЛИ

Ўзбекистон Республикасининг "Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ноябрь ойининг иккинчи якшанбасини ҳар йили байрам сифатида нишонлаш яхши анъананага айланган.

Вилоят ихтисослаштирилган соматик шифохонасида ҳам ушбу санага бағишлаб байрам тадбири ўтказилди. Унда шифохонанинг энг намунали 14 шифокор ва ҳамширалари фахрий ёрлик ҳамда мукофотлар билан тақдирландилар.

Тадбир баҳона ушбу шифохонада узоқ йиллар ишлаб, соғлиқни сақлаш тизимининг бошқа объектларида фаолиятини давом эттираётган ёки нафақада кексалик гаштини сураётган ҳамкасблар ҳам тақдирландилар, авлодлар учрашуви ташкил этилди. Учрашувда сўзга чиққанлар тиббиётга жиддий эътибор қаратилаётганига, мустақиллик йилларида ўтказилган ислохотлар соҳанинг янада такомиллашуви учун хизмат қилаётганига алоҳида урғу берилди.

Шуни таъкидлаш кераки, вилоят ихтисослаштирилган соматик шифохонаси воҳамиз соғлиқни сақлаш тизимининг энг муҳим бўғини ҳисобланади. Бу ерда вилоят аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш учун етарли моддий-техник база шакллантирилган. Шифохонани замон талабига мос жиҳозлаш учун маҳаллий ва халқаро миқёсдаги хомийларнинг грантлари ҳам жалб этилмоқда. Биргина мисол, Япониянинг JICA ташкилоти моддий кўмаги билан шифохона лабораторияси энг замонавий тиббий ус-

куна ва реактивлар билан тўла қайта жиҳозланди. Энди вилоятдаги қишлоқ врачлик пунктларининг лаборантларини режа асосида шу ёрнинг ўзида ўқитиб, малакасини ошириш йўлга қўйилди. Шифохонада юз бераётган янгиликларда унинг бош шифокори, олий тоифали мутахассис, травматолог-ортопед Шухрат Нишононинг ҳиссаси катта.

— Бош шифокоримиз яқинда тайинланган бўлса-да, шифохонада анчагина ижобий ўзгаришлар яшашга муваффақ бўлди, — дейди бош шифокорнинг даволаш ишлари бўйича муовини Холда Шоносирова. — Бинонинг зарур қисмлари таъмирдан чиқарилди. Айрим бўлимларга янги тиббиёт жиҳозлари ўрнатилди.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТЛАРДА: болалар шифокори (ўртада) Азиза Назруллаева, ҳамширалар Саноат Тождинова ва Нилуфар Элмуродова; тиббиёт ходимлари байрамга бағишланган тадбирни муносиб нишонладилар.

ИФТИХОР

2010 йилнинг тўққиз ойида вилоятимиз бўйича 931,8 миллиард сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ўтган йилнинг тўққиз ойига нисбатан 1,7 баробар кўпайди.

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ САМАРАСИ



Бунинг натижасида жойларда кўплаб ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди, минглаб янги иш ўринлари вужудга келди. Бу ўз навбатида мазкур корхоналарда маҳсулот сифати яхшиланиб, рақобатбардошлилиги ортиб боришига хизмат қилмоқда.

ТАШАБУС

ТАЪМИНОТГА ЯРАША ТАРАҚҚИЁТ

Бекобод туманида учта спорт муассасаси фаолият юритмоқда. Спорт билан мунтазам шуғулланаётган ёшлар сафи 2010 йилда олдинги йиллардагига нисбатан 6,8 фоиз ўсди.

Айниқса, бадий гимнастика, миллий кураш, футбол, бокс, стол тенниси, енгил атлетика, қизлар минифутболи каби спорт турлари жадал ривожланмоқда.

Жумладан, бадий гимнастика бўйича 2003-2008 йилларда

тўғарақлар умуман йўқ эди. Ҳозир эса иккита тўғарақда 40 нафар қиз мунтазам шуғулланапти. Уларга икки мураббий бадий гимнастика сирларини ўргатмоқда.

(Давоми 4-бетда).



14 НОЯБРЬ – ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ

САМИМИЙ ЭҲТИРОМ ТИМСОЛИ

Айниқса, физиотерапия бўлимидаги шароитлар билан фахрлансақ арзийди. Бу ерда физиологик муолажалар учун сув ҳавзаси ва тренажёрлар залидан ташқари, астма ва бошқа нафас йўли касалликларини даволаш учун фойдали йод ва кислородга тўйинтирилган сув буглари билан ҳавони намлантирувчи ускуна ўрнатилди. Мазкур қурилма беморларимиз аҳолини тезда яхшилаш имконини бермоқда.

Шуни айтиш керакки, шифохонада 120 ўринга мўлжалланган тўртта катталар даволаш бўлими – кардиология, пульмонология, неврология ва терапия бўлими, бундан ташқари реанимация ҳамда 100 ўринли болалар бўлими ва 6 ўринли болалар жонлантириш бўлими беморларга хизмат кўрсатапти.

Албатта, беморга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун шарт-шароит билан бирга юқори малакали шифокорлар ҳам етарли бўлиши керак. Бу борада ҳам шифохона талабга жавоб бера олади: 370 тиббиёт ходимининг 63 нафари олий тоифали шифокор. Юздан зиёд тажрибали ҳамширалар ширин сўзлари ва чаққон хизматлари билан беморларнинг тезроқ соғайиб, фаол ҳаётга қайтишига ёрдам беришапти.

Шифо масканида пульмонология бўлими куз-қиш мавсумларида айниқса "гавжум" бўлиб қолади. Бойси, нафас йўллари, аллергия ва

ўпка касалликларининг кучайиши айна шу даврга тўғри келади.

– Мақтаниш эмас-у, аммо бўлимимиздаги шароитлардан беморларимиз хурсанд, – дейди бўлим муддир Клариса Олимбоева, – Ҳамшираларимизнинг қўли енгил. Энг муҳими, жаҳон фармацевтика ва терапиясидаги энг илгор даволаш схемалари ва дори воситаларини ишимизда қўллашга ҳаракат қиламиз. Беморларни самарали даволашда бўлим шифокори Лариса Шекнинг хиссаси катта. Унинг чорак асрлик тажрибаси шарофати билан намунали тиббий хизмат кўрсатишга муваффақ бўляпмиз.

Вилоят марказий шифохонасида бу каби тажрибали ва малакали шифокорлар талайгина. Неуролог Лидия Чижова, кардиолог Лариса Евдокимова, терапевт Мунаввар Юсуповани бу ерда шифо топган беморлар доимо ҳурмат билан тилга олишади. Байрамларда, айниқса, тиббиёт ходимлари кунда гулдаста кўтармаган бирор шифокорни учратмайсиз. Булар шунчаки гуллар эмас, балки самимий ҳурмат ва чуқур миннатдорчилик тимсоларидир!

Саид АСҚАРОВ.
СУРАТДА: (чапдан ўнгга) ҳамшира Наргиза Бадалбоева, шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Наргиза Набиева, неврология бўлими мудир Лидаия Чижова.



ФАРЗАНДИНГИЗ СОҒЛОМ ТУФИЛИШНИ HOҲЛАЙСИЗМИ?

Вазирлар Маҳкамасининг "Республиканинг қишлоқ туманларидаги оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан Янгийўл шаҳар тиббиёт бирлашмасида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. Бугунги кунда бирлашма 64 минг 610 аҳолига, шу жумладан, қўшни туман фуқароларига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда. 193 шифокорнинг 88 нафари, 1311 ҳамширадан 545 нафари олий тоифали.

– Республикаимизда соғлиқни сақлаш тизимига берилаётган эътибор туғрилиб, билимларини мустаҳкамлашга жиддий эътибор бераяпмиз, – дейди бирлашма бош шифокори Гулнора Аҳмедова. – Малакали шифокорларимиз ўз касби тамойилларига содиқ қолиб, аҳолига, айниқса, ёш оналарга турли йўл-йўриқ ва маслаҳатлар беришмоқда. Бугунки оналар саломатлиги, уларнинг тўғри овқатланишлари, қолаверса, боланинг ривожланиш патологияларини ҳам ўз назоратларига олмақдалар. Бу эса болалар соғлом туғилиши учун

пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Бирлашма ходимлари аҳолининг тиббий маданиятини ошириш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда туман хотин-қизлари ўртасида кенг тушунтириш ишлари ҳам олиб борилиб, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Юлдузхон ФАЗИЛДИНОВА.

СУРАТДА: бирлашма шифокорлари Чақалоқни кўриқдан ўтказишмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.



«АЛЛА» ФЕСТИВАЛИ

Республика Байналмилал маданият марказида Ўзбекистон "Миллий тиклишни" демократик партиясининг "Аёллар қаноти" ҳамда "Оила" илмий-амалий маркази ҳамкорлигида "Аёллар маънавияти – баркамол авлод тарбиясининг муҳим омил" шиори остида турли миллат вакиллари "Алла" фестивали бўлиб ўтди.

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Марказий Кенгаши аъзолари, турли давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, мамлакатимиздаги турли миллат вакиллари бадий фольклор ижодиёти гуруҳлари, "Алла" уйи маданий-маърифий маркази ходимлари ҳамда санъаткорлар иштирок этди.

Она аллани чақалоқни тинчлантириш баробарида боланинг кўнгил дунёсига миллий рух бўлиб сингади. Алла қайси тилда янграшдан қатъи назар одамни инсон бўлишга, қалбида Ватанга садоқат, миллатга эҳтиром руҳида тарбиялашга асос бўлар экан, уни, албатта, келгуси авлодларга етказиб бериш зарур.

Фестивалда сўзга чиққанлар алланинг миллий мерос сифатидаги аҳамияти, халқимизнинг тинч осуда ҳаёт кечирishi, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби оилжаноб фазилатларни инсон қалбида шакллантиришдаги ўрни ҳақида батафсил маълумот беришди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон "Миллий тиклишни" демократик партияси ва ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Эргаш ХУЖАЕВ,
"Туркистон-пресс".

2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

Жамиятни янгилаш, келажакимиз бўлиши баркамол авлоднинг тарбиялашда маънавий-маърифий тарғибот муҳим аҳамиятга эга. Вилотимиздаги фаол жамоатчилик ташкилотларидан бири – Олмалиқ шаҳар маънавият тарғибот маркази ҳам бир қатор ибратли ишлари билан фахрлана олади. Бу "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг ижроси юзасидан марказ раҳбари Сайёра Ёқуббекова билан суҳбатда бўлдик.

– Ёшларимизни зарарли ғоялар таъсиридан асраш – бугуннинг талаби. Шу боис Юртбошимизнинг "Жаҳолатга қарши маърифат билан курашмоқ керак" деган кўрсатмаларига қатъий амал қилиш марказининг устувор вазифаларидан бири бўлмоғи керак, шундай эмасми?

– Албатта, ғояга қарши ғоя билан курашиш энг самарали йўл эканлигига шубҳа йўқ. Марказимиз ёшларимизда юксак фазилатларни камол топтириш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятларини рўёбга чиқариш, ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб воёга етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, ёт ғоялар ва оқимлар таъсиридан асраш, улғувор мақсадлар йўлида жипслаштириш каби эзгу ишлар ҳам марказ фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади. Малакали мутахассисларимизнинг аҳоли ўртасида, қорхона ва таълим муассасаларида ўтказган маърифий тадбирлари келажакда ўз самарасини беради, деган умиддаман. Ёшлар ўртасида диний-экстремистик, ақидапарастлик ва миссионерлик ғоялари тарқалишининг олдини олиш мақсадида "Огоҳлик – давр талаби", "Тинчлик – буюк неъмат", "Диний ақидапарастлик ва терроризм", "Исломи дини – бағрикенглик дини", "Миссионерликка қарши кураш", "Ёшлар диний экстремизмга қарши" каби мавзуларда бир қатор маърифий кечалар ва учрашувлар ўтказдик. Уларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари, жоме-

ма билим ва дунёқарашни шакллантирмас бўлмади. Бунинг учун биз аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида тиббиёт ходимлари иштирокида "Соғлом турмуш тарзи" мавзусида мунтазам ва мавсумий тадбирлар ўтказиб келяпмиз. "Гиеҳвандликнинг зарарли оқибатлари", "Ўқувчи-ёшлар орасида гиеҳвандлик ва ОИТСдан сақланиш", "ОИТС,

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН...

масжид имомлари ва олимлар иштирок этиб, ёшларга мазкур пуч ғояларнинг асл мақсади ва оқибатлари ҳақида кенг тушуна беришди. Тадбирларда маъруза ва савол-жавоблар билан чекланмай, мультимедия воситалари ва видеороликлардан кенг фойдаланилаётгани мавзунинг қатнашчилар онгига чуқурроқ етказиш ва учрашувларнинг қизиқарлироқ бўлишини таъминламоқда.

– Давлат дастурида ёш авлоднинг жисмонан кучли ва соғлом ўсишлари масаласига алоҳида эътибор берилган. Бу йўналишда фақат ғоявий кураш қай даражада ёрдам бера олади, деб ўйлайсиз?

– Бир қарашда "қуруқ гап билан" саломатликни таъминлаш душвордек туюлади. Аммо шунинг унутмаслик керакки, инсон аввало ўз ҳаёт тарзини ўзгартирмас, етарли тиббий маданиятга эга бўлмаса, тиббиёт соҳаси учун ажратилаётган миллион-миллион пуллар бемасра кетиши ҳеч гап эмас. Шу маънода биз ҳам ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёмон одатлар – ичкилик, чеккиш ва гиеҳвандликка қарши курашга устувор вазифа сифатида қараётимиз. Ёшларнинг руҳий саломатлигини асраш, ахлоқсиз ҳаёт кечириш ва пировардида ОИТС, бошқа таносил касалликларини олтириб олмастиклари учун уларда етарли

АМАЛИЙ-БЕЗАК САНЪАТИ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Балий академияси Марказий кўرғазмалар залида амалий-безак санъати кўрғазмаси ташкил этилди.

Кўрғазма очилишида мамлакатимизда халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавиятини юксалтириш, миллий санъатимизни раванг топтириш, бу йўналишда фаолият кўрсатаётган ижодкорлар меҳнатини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Маъруза кўрғазмада Римма Газилаеванинг чинносозлик, Надежда Харитонованинг каштачилик, Назира Қўзиёева, Людмила Козлова, Ануш Авакян ва Наталья Доманчевичнинг кулолчилик буюмлари, Баҳодир Ниёзовнинг декоратив паннолари муҳлислар эътиборига ҳавола қилинган.

У.А.



Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асаридан шундай сатрлар бор: "Маънавият инсонни руҳан поклагани, қалбни улғайтишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, имон-этиқодини бутун қилдиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир". Маънавий тарбияга, ёшлар маънавиятини мустаҳкамлашга жиддий аҳамият бериш, унга ҳаёт-мамат масаласи сифатида қараш ҳақиқий баркамол авлоднинг воёга етказишнинг энг муҳим талабларидан бири, десам муболага бўлмас керак.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири Абулфайз САИДАСҚАРОВ суҳбатлашди.

ИЛМИЙ САЛОҲИЯТИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонасида 10 ноябрь – Халқаро фан кuni муносабати билан матбуот анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон Фанлар академияси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда экспертлар, ёш олим ва тадқиқотчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Фанлар академияси бош илмий котиби Б. Иброҳимов, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хорхе Эспинал, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссиясининг масъул котиби А. Икромов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида илм-фаннинг турли йўналишларидаги тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш ва амалиётга татбиқ этишда қўллаб-қувватлаш ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Ватанимиз ҳамisha катта илмий салоҳиятга эга мамлакат сифатида жаҳон ҳамжамияти эътиборини ўзига жалб этган. Бугунги кунда юртимиз илмий-тадқиқот институтлари, илмий марказлар, олий ўқув юртлири қошидаги илмий муассасалар, конструкторлик бюрослари фаолиятини янада яхшилаш ва такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Айни пайтда фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бораётган олимлар фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвийликни янада мустаҳкамлаш юзасидан кенг қамровли ишлар бажарилаётган. Бу борадаги улкан ўзгаришлар халқаро миқёсда ҳам катта қизиқиш уйғотяпти.

Юртимизда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда аниқ, табиий, илмий-технологик фанларни ривожлантириш, ёш олимларни қўллаб-қувватлаш, илмий муассасалар фаолиятини, уларнинг ютуқларини кенг тарғиб этиш юзасидан бир қатор лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Урганч давлат университети билан ҳамкорликда тупроқ шўрланишининг олдини олиш, Тошкент ахборот технологиялари университети илмий маркази билан ҳамкорликда ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш, умумтаълим мактаблари учун ичимлик сувининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича физика ва кимё фанларига оид ўқув қўлланмаларини яратишга доир лойиҳалар шулар жумласидандир.

Тадбирда юртимиздаги кучли интеллектуал салоҳият сармари булган илмий тадқиқотлар жаҳон илм-фани жамоатчилиги эътиборини қозонаётгани, бу борадаги илмий-технологик фанларни янада қўлайлаштириш учун барча имкониятлар етарли экани, нуфузли хорижий илмий муассасалар билан ўрнактув узвий ва мустаҳкам ҳамкорлик бунда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Назозат УСМОНОВА,
У.А. мухбири.

СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

ТУРИЗМ ДУРДОНАЛАРИ

Бутунжаҳон туристик ташкилотининг маълумотига кўра, туризм дунё ялли миллий маҳсулотининг ўндан бир қисминини, халқаро инвестицияларнинг 11 фоизидан ортигини ва ишлаб чиқаришнинг ҳар 9-ишчи ўрнини таъминлайди.

Мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар, яъни уни тубдан янгилаш чора-тадбирлари қўрилади. Утган даврда "Турист ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида", "Туризм тўғрисида", "Ўзбекистон туризм" миллий компаниясини ташкил этиш тўғрисида", "Буюк ипақ йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикаси иштирокини фаоллаштириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш тўғрисида"ги каби бир қатор ҳуқуқат қонун ва қарорлари қабул қилинди. Улар асосида туризмнинг барча турларини ривожлантиришда айтишга ариғулик натижаларга эришилди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташаббуси билан журналистлар учун туризм соҳасидаги ютуқлар ва уларнинг матбуотда ёритилиши мавзусига бағишланган уч кунлик семинар-тренингда шулар таъкидлаб ўтилди.

"Ўзбекистоннинг маданий мероси ҳамда туристик салоҳиятининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши", деб номланган семинарда 11 нафар ёш журналистлар иштирок этди. "Ўзбекистон" миллий компанияси ва қўллаб хусусий сайёҳлик фирмаларидан келган малакали мутахассислар, журналистларга соҳада эришилган натижаларни таъкидлаб, муқаддас зийратгоҳлари, археологик қўриқларга эга бебаҳо топилишлари, гўзал табиати, табиий соғломлаштириш масканлари борлиги туризмни янада оммалаштириш учун етарли эканлигига алоҳида ургу берилди. Шу билан бирга қад ростилаётган замонавий меҳмонхоналар бугунги кунга келиб 257 тага етгани, янги сайёҳлик йўналишлари қўлайлаётгани, йўл бўйи туристик инфратузилма яхшиланаётгани айтиб ўтилди.

Семинар давомида "Ўзбекистонда туризм ва туристик хизматларни ривожлантиришнинг ҳолати ва истиқболлари", "Мамлакатимизнинг халқаро туристик салоҳияти", "Ўзбекистон" миллий компаниясининг ташкил этилиши ва эришган ютуқлари" мавзуларида маърузалар тингланди.

Ирода НОРБЕКОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.



ДИҚҚАТ «ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ»!

Қишда фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжи кучаяди. Бу эса ўз навбатида ёнғин хавфининг кескин ошиб кетишига сабаб бўлади.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вилот ҳокимлигининг тегишли фармоишларига асосан республикада 15 ноябрдан 15 декабргача "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилади. Фармойишда кўрсатилганидек, ушбу тадбирни

лиги қондаларини кенг тарғиб этиш" дир.

Ушбу тадбирда фаол иштирок этиш нафақат давлат, балки халқ мулкани, уй-жойларни ёнғиндан асраш, шунингдек, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш демократик

ТАШАБУС

ТАЪМИНОТГА ЯРАША ТАРАҚҚИЁТ

Вилеят ҳокимлиги гимнастика базалари учун ажратган жиҳозлардан тўғрисида...

985 минг сўмлик жиҳозлар жамламаси гимнастикачи қизларга тантанали суратда топширилди.

18-умумтаълим мактабида янги спорт зали куриб битказилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).



берадиган 22,5 миллион сўмлик чет эл резина қопламаси тўшалди.

СУРАТААРАА: Бекобод туманидаги янги спорт мактаби инвентарлар билан тўлик жиҳозланди...

XXI ва дунё

А380 ЛАЙНЕРИ УЧИШ ЖАДВАЛИДАН ЧИҚАРИЛДИ

Австралиянинг Qantas авиакомпанияси учуш жадвалини ўзгартириб, А380 лайнерлари амалга оширилган барча рейсларни олиб ташлади.

НИГОХ

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ПЎРТНА ИСКАНЖАСИДА

Таъбир жоиз бўлса, Тожикистоннинг таълим тизими-ни тешик тоғорага қиёслаган мумкин.

Ўтган йилнинг охирида президент Имомали Раҳмоннинг 2010 йилги "Таълим ва техник билимлар йили" деб эълон қилиш тўғрисидаги фармони чиққан эди.

Германиялик ҳомийлари улар берган грант ёрдами белгиланган мақсадларга сарфланганини ишонтириш ва қолган (4 миллион евро) маблағни ҳам ундириш мақсадида маҳаллий оммавий ахборот воситаларига уша ягона мактаб очилишини кенг ёритиш ҳақида кўрсатма берилди.

ҲУКУМАТ ҲАҚИДА

ҲУКУМАТ ҲАҚИДА

Буюк Британия ҳукуматининг олий ўқув юрталарида таълим ҳақини ошириш режасига қарши норозилик билдираётган талабалар билан Лондон полицияси ўртасида тўқнашув юз берди.



УЧУВЧИ ВА ШТУРМАН ТАҚДИРИ НОМАЪЛУМ

Исроил Ҳарбий-ҳаво кучлари (ҲХК)нинг F-161 қирувчи самолёти ҳалокатга учради, дея хабар берди АФР агентлиги мамлакат ҳаво идораси вакиллари маълумотида таяниб.

Ангрэн шаҳрида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 8 йиллигига бағишланган халқаро турнир бўлиб ўтди.

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Семинарға кетаётганим. Поездда. Одатда бундай пайтларда кўнгли бир сухбатдош интилади.

Ида жанжал-тўполон қилишлари ёдимга тушди. Албатта, у пайтлар болалар кичкина эди.

узатишгани, ўзи, укалари аллақачонқоқ бола-чақали бўлишгани, биргаликда қишлоқда ошхона очишганини, машианинг текис юришига монанд аста ҳўқоя қилиб борарди.

ВИЖДОННИНГ РАСМИНИ ЧИЗИБ БЎЛАРМИКЕН?

арчалар ва бир текис оқланган дарахлар орасидаги чиройли йўлқаларда кексалар сайр қилиб юришарди.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ қуйидагиларни маълум қилади: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 9 ноябрдаги "Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, 2010 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кунини 16 ноябрга тўғри келиши инобатга олиниб, 2010 йил 16 ноябрь дам олиш кунини деб белгиланганлиги сабабли "Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ марказий идорасида 2010 йил 16 ноябрь кунига белгиланган аукцион савдолари амалдаги қонун ҳужжатларини асосан, хабарномалар мuddатлари таъминланишини ҳисобга олиб, 2010 йил 15 ноябрь кунини соат 11.00 га қўйрилди.



Изоҳга ҳожат йўқ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Ўзлонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир Жўра САБДУЛЛАЕВ Навбатчи Ирода НОРОЕВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ